

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib. 13.01 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

НЕКРАСОВ АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ

ИЧАК СТОМАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ АСОРАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШ
ХАВФИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ПРОГНОСТИК МОДЕЛ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
КЛИНИК АСОСЛАШ

14.00.27 - Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Некрасов Александр Сергеевич

Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиш
хавфини баҳолаш учун прогностик модел ишлаб чиқиш ва
клиник асослаш.....

3

Некрасов Александр Сергеевич

Разработка и клиническое обоснование прогностической
модели оценки риска развития локальных осложнений
кишечной стомы

2

9

Nekrasov Aleksandr Sergeevich

Development and Clinical Validation of a Prognostic Model for
Assessing the Risk of Local Intestinal Stoma Complications

5

5

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

6

List of published works.....

2

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib. 13.01 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

НЕКРАСОВ АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ

ИЧАК СТОМАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ АСОРАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШ
ХАВФИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ПРОГНОСТИК МОДЕЛ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
КЛИНИК АСОСЛАШ

14.00.27 - Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2026.2.PhD/Tib7027 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Миллий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.mtm.uz) ва "Ziyonet" (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исокулов Тулкин Уралович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абдужаппаров Сулаймон Бахритдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Рустамов Абдисамат Эшмуродович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат
тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib. 13.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кучаси, 103/1 уй. Тел.: (+99871) 205-15-14; e-mail: www.mtm.uz).

Диссертация билан Миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (003-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кучаси, 103/1 уй. Тел.: (+99871) 205-15-14; e-mail: www.mtm.uz.

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.А. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий абдоминал хирургияда ичак стомасини чиқариш билан боғлиқ операциялар муҳим ўрин тутишда давом этмоқда. Бу, энг аввало, «сўнгги ўн йилликларда ташхис қўйиш сифати яхшиланиши ва аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат ичак ёки қорин бўшлиғининг бошқа аъзолари патологиялари сабабли бажариладиган, ичак таркибини вақтинчалик ёки доимий равишда четга чиқаришни талаб этувчи жарроҳлик аралашувлари сонининг сезиларли даражада кўпайишига олиб келди»¹. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, ҳатто энг мақбул жарроҳлик техникаси қўлланилган тақдирда ҳам стома яратилиши ҳар доим ҳам хавфсиз натижаларни таъминламайди ва, мос равишда, ўзига хос маҳаллий асоратлар ривожланишининг юқори хавфи билан тавсифланади. Турли тадқиқотлар натижаларига кўра, «стоманинг ўзига хос, парастомал ёки перистомал асоратларининг учраш частотаси кенг доирада ўзгариб, ўртача 20% дан 70% ва ундан юқори кўрсаткичларни ташкил этади»². Шу билан бирга, фақат айрим илмий нашрлар ичак стомаси асоратлари кўп омилли хусусиятга эга эканлигига эътибор қаратиб, уларнинг фақат жарроҳлик муаммоси доираси билан чекланмаслигини таъкидлайди. Амалий нуқтаи назардан, «алоҳида аҳамиятга эга жиҳат шундаки, асоратларнинг сезиларли қисми индивидуал хавф ўз вақтида баҳоланган тақдирда олдини олиш ёки уларни эрта босқичда аниқлаш имкони мавжуд»³. Ушбу ҳолатлар ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ҳақидаги мавжуд маълумотларни тизимлаштириш ҳамда маҳаллий стомал асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш имконини берувчи, клиник амалиётга мослаштирилган прогностик моделни ишлаб чиқишга қаратилган кейинги тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Замонавий жаҳон хирургия амалиётида бугунги кунда ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавф омилларини тизимлаштириш ҳамда уларни эрта башорат қилишнинг клиник амалиётда қўллаш мумкин бўлган моделларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар энг катта илмий қизиқиш уйғотмоқда. Шу билан бир қаторда, стомал, парастомал ва перистомал асоратлар ривожланиш хавфи бўйича беморларни эрта стратификация қилиш

¹Mulita F, Lotfollahzadeh S. Intestinal Stoma. 2023 Jun 3. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2026 Jan-. PMID: 33351447.

²Parini D, Bondurri A, Ferrara F, Rizzo G, Pata F, Veltri M, Forni C, Coccolini F, Biffi WL, Sartelli M, Kluger Y, Ansaloni L, Moore E, Catena F, Danelli P; Multidisciplinary Italian Study group for STomas (MISSTO). Surgical management of ostomy complications: a MISSTO-WSES mapping review. World J Emerg Surg. 2023 Oct 10;18(1):48. doi: 10.1186/s13017-023-00516-5. PMID: 37817218; PMCID: PMC10563348.

³Dellafiore F, Caruso R, Bonavina L, Udugampolage NS, Villa G, Russo S, Vangone I, Baron I, Di Pasquale C, Nania T, Manara DF, Arrigoni C. Risk factors and pooled incidence of intestinal stoma complications: systematic review and Meta-analysis. Curr Med Res Opin. 2022 Jul;38(7):1103-1113. doi: 10.1080/03007995.2022.2081455. Epub 2022 Jun 3. PMID: 35608158.

мақсадида прогностик шкалалар, номограммалар, яллиғланиш жавобининг биомаркерлари ҳамда рақамли технологиялар, жумладан сунъий интеллект имкониятларини қўллаш фаол ўрганилмоқда, бу эса шаклланган асоратларни қайд этишдан уларнинг ўз вақтида олдини олиш ва операциядан кейинги даврда дифференциал кузатувни таъминлашга ўтиш имконини беради.

Миллий хирургиянинг замонавий ривожланиш йўналишлари жарроҳлик аралашувларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни ўз ичига олади, жумладан ичак стомасини чиқариш зарурати билан боғлиқ операцияларни ҳам. Аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган «Ўзбекистон-2030» стратегиясида тиббий ёрдам сифати ва оммабоплигини янада яхшилаш вазифалари белгиланган⁴, шу жумладан хирургия амалиётида инновацион ёндашувлар ҳамда хавфни верификация қилишнинг интеграл прогностик тизимларини жорий этиш орқали. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан операция олдидаги клиник ва операция вақтидаги омилларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда стратификация қилиш асосида ичак стомаси бўлган беморларда маҳаллий асоратлар ривожланиши хавфини башорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва клиник валидизациядан ўтказиш орқали, мазкур патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, абдоминал хирургия ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2025 йил 22 апрелдаги ПҚ-149-сонли «Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Тадқиқот хирургик ёрдамни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг мақсадларига мувофиқ бўлиб, ичак стомасини даволаш ҳамда унинг маҳаллий асоратларининг олдини олиш бўйича клиник жиҳатдан асосланган, мувозанатлашган ва хавфсиз ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ичак стомасининг эрта маҳаллий асоратлари қаторига операциядан кейинги дастлабки 30 кун давомида юзага келадиган асоратлар киради. Ушбу асоратлар даволашнинг умумий натижаларини сезиларли даражада ёмонлаштиради, беморларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради ҳамда реабилитация билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада оширади (Chan MS, 2023⁵). Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари таркибида қуйидаги гуруҳлар ажратилади: стомал асоратлар, яъни бевосита стоманинг ўзи билан боғлиқ асоратлар; парастомал асоратлар - стома қорин девори орқали чиқарилган канал соҳасидаги тўқималар зарарланиши билан кечадиган асоратлар; ҳамда перистомал асоратлар - стома атрофидаги тери томонидан кузатиладиган асоратлар (Tsujioka S, 2020⁶; Mostafa A, 2026⁷). Замонавий адабиёт маълумотларига кўра, стома билан боғлиқ асоратлар ривожланиш хавфини белгилловчи бир нечта омиллар гуруҳи ажратилади. Биринчи гуруҳга беморнинг соматик ҳолати билан боғлиқ омиллар киради. Уларга ёш, тана вазни билан боғлиқ муаммолар, ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги, иммуносупрессив ҳолатлар ва бошқалар киради (Yuan J, 2024⁸). Ушбу белгилар тўқималар микроциркуляцияси ва репаратив жараёнларининг бузилишига замин яратади ҳамда инфекцион-яллиғланиш кўринишлари ривожланиши хавфини оширади (Dai T, 2024⁹). Иккинчи гуруҳ омиллари асосий касаллик кечишининг хусусиятлари, шошилиш жарроҳлик аралашувини талаб қилувчи асоратларнинг мавжудлиги билан тавсифланади, бу эса кўпинча хирургларни ноқулай анатомик ва яллиғланиш шароитларида қарор қабул қилишга мажбур этади (Matsunaga T, 2022¹⁰; Thamer BT, 2024¹¹). Ичак стомасини чиқариш

⁵Chan MS, Moore Z, Patton D, McNamara D, O'Connor T, Avsar P. A systematic review of patient risk factors for complications following stoma formation among adults undergoing colorectal surgery. *Int J Colorectal Dis.* 2023 Sep 25;38(1):238. doi: 10.1007/s00384-023-04523-5. Erratum in: *Int J Colorectal Dis.* 2023 Oct 20;38(1):255. doi: 10.1007/s00384-023-04549-9. PMID: 37747515.

⁶Tsujioka S, Suzuki H, Miura T, Sato Y, Murata H, Endo Y, Hoshi K, Sato Y, Shibata C. Diagnosis, Treatment, and Prevention of Ileostomy Complications: An Updated Review. *Cureus.* 2023 Jan 27;15(1):e34289. doi: 10.7759/cureus.34289. PMID: 36721712; PMCID: PMC9883118.

⁷Mostafa A, Mostafa AM, Anwer S, Abdelazim O, Hussein N. Determinant of quality of life among colorectal cancer patients with a stoma: a single-center cross-sectional study in Egypt. *Clin Transl Oncol.* 2026 Mar 11. doi: 10.1007/s12094-026-04254-3. Epub ahead of print. PMID: 41814098.

⁸Yuan J, Jiang F, Fu X, Hou Y, Hu Y, Yang Q, Liu L, Wang Y, Sheng W, Cao F, He J, Chen G, Peng C, Jiang W. Prospective nutrition-inflammation markers for predicting early stoma-related complications in patients with colorectal cancer undergoing enterostomy. *Front Oncol.* 2024;14:1409503. doi: 10.3389/fonc.2024.1409503.

⁹Dai T, Bao M, Zhang M, Wang Z, Tang J, Liu Z. A risk prediction model based on machine learning algorithm for parastomal hernia after permanent colostomy. *BMC Med Inform Decis Mak.* 2024;24:224. doi: 10.1186/s12911-024-02627-8.

¹⁰Matsunaga T, Miyake T, Ueki T, Kojima M, Yamaguchi T, Kaida S, Takebayashi K, Maehira H, Otake R, Mori H, Nitta N, Muramoto K, Nagai N, Iida H, Tani M. [Short- and Long-Term Effects of Palliative Stoma Creation on Quality of Life]. *Gan To Kagaku Ryoho.* 2022 Dec;49(13):1396-1398. Japanese. PMID: 36733080.

¹¹Thamer BT, Aldarsouni F, AlRabah R, Aloraini H, Altawil E, Alfraidy D, Alshammari S, Alhassan N, Alkhayal K. Early postoperative complications of elective versus emergency stoma creation: a tertiary academic center experience. *Wound Manag Prev.* 2024 Sep;70(3). doi: 10.25270/wmp.23102. PMID:

бўйича операциянинг техник жиҳатлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Агар режали хирургияда операциянинг боришини олдиндан режалаштириш имкони мавжуд бўлса, шошилишч хирургияда перитонитнинг мавжудлиги, ичак тутқичининг яққол шиши, стома ҳосил қилиш учун ичак ҳалқасини оптимал мобилизация қилишдаги қийинчиликлар ва бошқа предиктор омилларнинг таъсири стомани шакллантириш шароитини, шунингдек маҳаллий асоратлар ривожланишининг потенциал хавфини сезиларли даражада ўзгартиради (Wang H, 2023¹²; López-Callejón VA, 2025¹³). Шу билан бирга, хавф омилларига оид мавжуд маълумотлар ҳали ҳам тарқоқ ҳолатда қолмоқда, чунки айрим муаллифлар эътиборни беморнинг соматик ҳолатига, бошқалари стомани шакллантиришнинг техник жиҳатларига, учинчилари эса яллиғланиш биомаркерлари, парвариш сифати ёки замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишга қаратадилар.

Стома билан боғлиқ асоратлар ривожланиши эҳтимолини эрта башорат қилиш ва шунга мувофиқ тактик-техник ҳамда даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида қўллаш имконияти нуқтаи назаридан интеграл моделларни ишлаб чиқиш қизиқиш уйғотувчи ва истиқболли йўналиш ҳисобланади. Kaw P. ва ҳаммуаллифлар (2025) фикрига кўра, бундай модель беморга оид омиллар ва патология кечишининг оғирлиги билан бир қаторда, операциянинг ўзи, стомани шакллантириш босқичларига оид ёндашувлар билан боғлиқ техник омиллар, беморнинг биокимёвий кўрсаткичлари, шунингдек сунъий интеллект (СИ)дан фойдаланиш имкониятини ҳам ўз ичига олиши лозим¹⁴. Хусусан, хирургик кўникмаларни баҳолаш, шунингдек энг мақбул қарорни танлашда СИни қўллашга бағишланган наشرлар мавжуд бўлиб, бунда чуқур ўқитиш модели натижани башорат қилишда бошқа статик ёндашувларга нисбатан самаралироқ эканлиги аниқланган (Kuo CY, 2023¹⁵). Сўнгги тадқиқотлардан бирида стома билан боғлиқ эрта асоратларга нисбатан озиқланиш индекси ва бошқа кўплаб омилларни баҳолаш учун прогностик номограмма ишлаб чиқилган ва валидизация қилинган (Lin X, 2026¹⁶). Прогностик моделларни ишлаб

39361347.

¹²Wang H, Jiang G, Wang Y, Jia H, Qu H, Yong X, Ma L. Construction and validation of the perioral moisture-related skin damage (PMASD) risk prediction model in patients with colorectal cancer. *Int Wound J.* 2023;20:2207-2214. doi: 10.1111/iwj.14098.

¹³López-Callejón VA, Yuste-Sanchez A, Murad M, Navarro-Martínez R, Pérez-Santiago L, Martín-Arevalo J, Moro-Valdezate D, Pla-Martí V, Casado-Rodriguez D, Espí-Macías A, García-Botello S. Propensity Score Analysis of the Utility of Supervised Perioperative Abdominal Wall Exercises for the Prevention of Parastomal Hernia. *Nurs Rep.* 2025 Feb 8;15(2):62. doi: 10.3390/nursrep15020062. PMID: 39997798; PMCID: PMC11857961.

¹⁴Kaw P, Kumar A. Predictive model for early postoperative stomal complications in colorectal cancer: A systematic review. *World J Gastrointest Oncol.* 2025 Aug 15;17(8):109405. doi: 10.4251/wjgo.v17.i8.109405. PMID: 40837766; PMCID: PMC12362536.

¹⁵Kuo CY, Kuo LJ, Lin YK. Artificial intelligence based system for predicting permanent stoma after sphincter saving operations. *Sci Rep.* 2023;13:16039. doi: 10.1038/s41598-023-43211-w.

¹⁶Lin X, Zhang Y, Wang Y, Yan W, Bian J, Pei X, Zhang Y, Sun X. The prognostic nutritional index and a multifactorial nomogram for predicting early stoma-related complications after prophylactic ileostomy: A

чиқишнинг афзалликлари нафақат реал вақт режимида вазиятни бошқариш имкониятини яхшилашдан, балки индивидуал хирургик кўникмаларни такомиллаштириш имкониятидан ҳам иборат, чунки операция вақтида ҳаракатлар баҳоланади, моделлаштирилади, бу эса оператив аралашувнинг техник жиҳатларини оптималлаштириш имконини беради (Hassan AM, 2023¹⁷). Яна бир клиник афзаллик турли асоратлар ривожланиши хавфини таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан баҳолаш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади (Ghosh NK, 2022¹⁸). Ўз навбатида, истиқболли йўналиш алоҳида хавф омилларини эмас, балки уларнинг ичак стомаси маҳаллий асоратларининг ривожланиш башорати ва учраш частотасига биргаликдаги таъсирини ҳисобга олиш ҳисобланади (Грошили В.С., 2025¹⁹; Yang YW, 2024²⁰). Адабиётларда ҳозирча фақат айрим мезонлар тавсифланган бўлиб, уларнинг омил сифатидаги таъсири индивидуал прогностик аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганилган, бунда умумий балл қанчалик юқори бўлса, стома томонидан асоратлар ривожланиш хавфи шунчалик юқори бўлади (Ba MQ, 2025²¹). Шунга мувофиқ, амалий хирург учун у ёки бу белгининг асоратлар билан статистик жиҳатдан боғлиқлиги фактигина эмас, балки ушбу белгини муайян беморда тез баҳолаш, унинг клиник аҳамиятини тушуниш ва олинган натижадан энг мақбул профилактик тактикани танлашда фойдаланиш имконияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, стомаси мавжуд беморларда маҳаллий асоратлар ривожланишининг аниқланган потенциал хавф омиллари бўйича адабиётлар таҳлили уларнинг ривожланиш эҳтимоли турли шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Буларга беморнинг умумий ҳолати, қандайдир ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги, асосий патология кечишининг оғирлиги, шунингдек стомани шакллантиришнинг техник жиҳатлари киради. Шунга мувофиқ, потенциал хавф омилларини аниқлаш ва уларнинг прогностик

retrospective cohort study. Eur J Oncol Nurs. 2026 Feb;80:103086. doi: 10.1016/j.ejon.2025.103086. Epub 2025 Dec 24. PMID: 41558372.

¹⁷ Hassan AM, Rajesh A, Asaad M, Nelson JA, Coert JH, Mehrara BJ, Butler CE. Artificial Intelligence and Machine Learning in Prediction of Surgical Complications: Current State, Applications, and Implications. Am Surg. 2023;89:25-30. doi: 10.1177/00031348221101488.

¹⁸ Ghosh NK, Kumar A. Colorectal cancer: Artificial intelligence and its role in surgical decision making. Artif Intell Gastroenterol. 2022;3:36-45.

¹⁹ Грошили В.С., Кузнецов В.Д., Волошин В.В., Лукаш Ю.В., Давыденко А.В., Антонова А.В. Способ прогнозирования осложнений кишечных стом. Патент на изобретение RU 2839442 С1, 05.05.2025. Заявка № 2024121563 от 29.07.2024.

²⁰ Yang YW, Huang SC, Cheng HH, Chang SC, Jiang JK, Wang HS, Lin CC, Lin HH, Lan YT. Protective loop ileostomy or colostomy? A risk evaluation of all common complications. Ann Coloproctol. 2024 Dec;40(6):580-587. doi: 10.3393/ac.2022.00710.0101. Epub 2023 Jan 27. PMID: 36702474; PMCID: PMC11701458.

²¹ Ba MQ, Zheng WL, Zhang YL, Zhang LL, Chen JJ, Ma J, Huang JL. Construction of a nomogram prediction model for early postoperative stoma complications of colorectal cancer. World J Gastrointest Surg. 2025 Jan 27;17(1):100547. doi: 10.4240/wjgs.v17.i1.100547. PMID: 39872787; PMCID: PMC11757204.

аҳамиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотларни давом эттириш операцияга тайёргарлик жараёнида, шунингдек хирургик аралашув вақтида ва эрта реабилитация даврида таъсир кўрсатиш мумкин бўлган муайян предикторлар гуруҳларини ажратган ҳолда стратификация ўтказиш имконини бериши мумкин.

Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Миллий тиббиёт марказининг илмий-таълим ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: операциядан олдинги клиник ва интраоперацион омилларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда стратификация қилиш асосида ичак стомаси бўлган беморларда маҳаллий асоратлар ривожланиши хавфини башорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва клиник валидациядан ўтказишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ичак стомаси шакллантирилгандан кейин операциядан кейинги яқин даврда маҳаллий асоратларнинг учраш частотаси ва тузилишини баҳолаш;

стомал ва перистомал асоратлар ривожланиши хавфининг ортиши билан ассоциацияланган етакчи омилларни аниқлаш;

клиник-хирургик омиллар асосида ичак стомасининг барча маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини баҳолашнинг баллли шкаласини ишлаб чиқиш ва валидациядан ўтказиш;

ишемик-техник омилларга йўналтирилган стомал асоратлар хавфининг ихтисослаштирилган шкаласини ишлаб чиқиш ва юқори хавфни эрта аниқлаш учун унинг клиник жиҳатдан аҳамиятли чегарасини белгилаш;

бошқариладиган хавф омилларининг умумий таъсирини моделлаштириш ва реабилитация тадбирларини оптималлаштириш асосида прогностик шкалани қўллашнинг потенциал клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти 2023-2026 йиллар давомида қорин бўшлиғи аъзоларида бажарилган операциялар натижасида ичак стомаси шакллантирилган 156 нафар беморнинг клиник маълумотлари таҳлили. Тадқиқот тўртта тиббиёт муассасасида: Миллий тиббиёт маркази (Тошкент ш.), Краснодар ўлкаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг „Славянск марказий туман касалхонаси» давлат бюджет соғлиқни сақлаш муассасаси (Славянск-на-Кубани ш.), Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси (Тошкент ш.) ва Андижон давлат тиббиёт институтида (Андижон ш.; Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида) ўтказилган. Тадқиқот мазкур муассасалар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида амалга оширилди ҳамда ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишининг хавф омиллари ва қонуниятларини аниқлашга қаратилган ретроспектив аналитик

клиник таҳлилга асосланди. Тадқиқотга асосий абдоминал патологиянинг асоратланган кечиши кузатилган, илеостома ёки колостома шакллантириш яллиғланиш-деструктив ва ўсма касалликлари, перитонит, ичак тутилиши, ковак аъзо перфорацияси ёки операциянинг техник жиҳатдан мураккаб шароитлари фонида бажарилган беморлар киритилган.

Тадқиқотнинг предмети ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишининг хавф омиллари ва қонуниятларини беморнинг дастлабки соматик ҳолати, асосий абдоминал патологиянинг хусусияти, шакллантирилган стома тури, уни чиқаришнинг интраоперацион техник шароитлари, ичак ҳалқасининг қон билан таъминланиши ва таранглиги, шунингдек операциядан кейинги эрта даврдаги маҳаллий ноқулай кечиш белгилари таъсирига боғлиқ ҳолда комплекс баҳолашдан иборат. Олинган маълумотлар асосида беморларни ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфи бўйича стратификация қилиш имконини берувчи прогностик шкалалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадга эришиш учун тадқиқот давомида клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди. Стомани шакллантиришнинг техник шароитларини интраоперацион баҳолашга ҳамда операциядан кейинги эрта даврда стома ва перистомал соҳанинг ҳолатини мониторинг қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишида энг юқори прогностик аҳамият қон таъминотининг бузилиши ва яллиғланиш реакциясининг яққоллигига боғлиқ бўлган интраоперацион ҳамда эрта операциядан кейинги омилларга тегишли эканлиги, бунда стома четларидаги ишемиянинг эрта клиник белгилари ва интраоперацион қон таъминоти бузилишининг белгилари ҳал қилувчи таъсирга эга эканлиги аниқланган;

операциядан олдинги клиник омиллар (иммуносупрессия, қандли диабет, гипоальбуминемия, анемия, тана вазни индекси экстремал қийматлари) маҳаллий асоратларнинг мустақил детерминантлари эмаслиги, балки омилларнинг умумий таъсирини кучайтирувчи хавфнинг модификацияловчи фонини шакллантириши исботланган;

интеграл балли баҳолашга асосланган клиник-жарроҳлик хавф омиллари ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишини башорат қилишда юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги, шунингдек айнан стомага хос асоратлар хавфини алоҳида ажратиш ишемик-техник предикторларнинг устун ҳиссаси билан белгиланувчи патогенетик ўзига хосликни таъминлаши аниқланган;

ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини прогноз қилиш усули жарроҳлик даволашнинг барча босқичларида

намоён бўлувчи ўзига хос омилларнинг умумий таъсирини интеграл баҳолашга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ичак стомаси шакллантирилгандан кейинги яқин муддатли маҳаллий асоратлар шаклланишининг қонуниятлари аниқланган бўлиб, бу аниқланган интраоперацион ва эрта операциядан кейинги ишемия ҳамда яллиғланиш белгилари юқори хавфнинг клиник маркерлари сифатида қўлланилишига имкон берган, шу орқали ноқулай прогнозни эрта аниқлаш ва жарроҳлик тактикаси ҳамда операциядан кейинги даволашни ўз вақтида тузатиш имкониятини таъминлаган;

хавф омилларини вақт босқичлари бўйича (операциядан олдинги клиник, интраоперацион ва эрта операциядан кейинги) ажратиш ва стратификация қилиш маҳаллий асоратлар ривожланиши хавфини баҳолашнинг тизимли алгоритмининг жорий этиш учун асос яратганлиги, бу эса профилактик чора-тадбирларни индивидуаллаштириш, стомани шакллантириш тактикасини оптималлаштириш ҳамда эрта асоратлар частотасини потенциал равишда камайтириш имконини берганлиги исботланган;

икки ўзаро бир-бирини тўлдирувчи хавф шкаласини ўз ичига олган, эрта операциядан кейинги даврда профилактик ҳамда даволаш-тактик қарорларни индивидуаллаштириш имконини берувчи клиник жиҳатдан мослаштирилган прогнозлаш тизими ишлаб чиқилган;

балли хавф шкалаларидан фойдаланиш прогноз аниқлиги жиҳатидан хавф омилларини оддий санашдан устунлиги ҳамда беморларни объектив стратификация қилишни, аниқ клиник аралашув чегараларини шакллантиришни таъминлаши асосланган;

таклиф этилган шкалаларни қўллаш интраоперацион босқичнинг ўзидаёқ асоратлар ривожланишининг ўта юқори хавфига эга беморларни аниқлаш имконини бериши, бу эса жарроҳлик тактикасини ўз вақтида тузатиш ҳисобига оғир стомал асоратлар частотасини камайтириш учун шароит яратганлиги аниқланган;

ишлаб чиқилган шкалалардан фойдаланган ҳолда беморларни маҳаллий ва стомал асоратлар хавфи бўйича эрта стратификация қилиш тиббий реабилитация дастурларини индивидуаллаштириш учун асос яратганлиги, бу эса эрта операциядан кейинги даврнинг ўзидаёқ кенгайтирилган реабилитацион кузатувга муҳтож беморларни ўз вақтида ажратиш имконини берганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги клиник маълумотлар базасини шакллантиришда ягона ёндашувдан фойдаланилганлиги, беморларни тадқиқотга киритиш ва чиқаришнинг аниқ мезонлари қўлланилганлиги, шунингдек операциядан кейинги эрта даврда ичак стомасининг маҳаллий ҳолати стандартлаштирилган тартибда баҳоланганлиги билан таъминланган. Олинган маълумотларнинг

объективлиги стомал, парастомал ва перистомал асоратларнинг унификация қилинган диагностик мезонларини қўллаш, клиник, лаборатор, интраоперацион ва операциядан кейинги белгиларни изчил қайд этиш, шунингдек ҳар бир беморнинг индивидуал кўрсаткичларини таҳлил қилиш билан тасдиқланган. Натижаларнинг статистик асосланганлиги замонавий биостатистика усулларида фойдаланиш ҳисобига таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар асоратланган абдоминал хирургик патологияси бўлган беморларда ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларни сезиларли даражада кенгайтиради, бунда тадқиқотнинг илмий аҳамияти операциядан олдинги, клиник-лаборатор, интраоперацион ва операциядан кейинги эрта давр омилларини комплекс баҳолаш ҳамда стомал, парастомал ва перистомал асоратлар ривожланиши хавфини баҳолашнинг прогностик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини баҳолашга мўлжалланган прогностик шкалаларнинг клиник жиҳатдан асослаб берилганлиги билан белгиланади, улар беморларни операциядан кейинги ноқулай кечиш эҳтимоли бўйича стратификация қилиш имконини беради, бу эса операциядан олдинги, интраоперацион ва операциядан кейинги эрта босқичлардаёқ паст, ўрта ва юқори хавф гуруҳидаги беморларни ажратиш, профилактик тадбирларни ўз вақтида кучайтириш, стома ва перистомал соҳанинг ҳолати устидан динамик кузатувни индивидуаллаштириш, шунингдек беморни олиб бориш тактикасини эрта тузатиш зарурлигини асосли равишда белгилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини баҳолашнинг прогностик моделини ишлаб чиқиш ва клиник жиҳатдан асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидаги илмий натижалар амалиётга жорий этилди:

биринчи илмий янгилик: маҳаллий асоратлар ривожланишини башорат қилишда қон билан таъминланишнинг бузилиши ва яллиғланиш реакциясининг яққоллигини акс эттирувчи интраоперацион ҳамда операциядан кейинги эрта давр омиллари энг юқори прогностик аҳамиятга эга бўлиб, бунда стома четларидаги ишемиянинг эрта клиник белгилари ва қон билан таъминланишнинг бузилишига оид интраоперацион белгилар ҳал қилувчи таъсирга эга эканлиги аниқланди - Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (2026 йил 10 июндаги 4-сон баённома) «Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилишнинг клиник-хирургик ёндашувлари» номли услубий тавсиялар, шунингдек Миллий тиббиёт маркази, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 16 июндаги 28-сон буйруқ) ва Сурхондарё

вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 26 июндаги 20-Т-сон буйруқ) хирургия бўлимларида тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги буйруқлар асосида амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлик: тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ичак стомасининг маҳаллий асоратларини эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш, стома соҳасида қон билан таъминланиш бузилиши ва яллиғланиш ўзгаришлари белгиларини ўз вақтида аниқлаш, операциядан кейинги ноқулай кечиш хавфини баҳолашни объективлаштириш, операциядан кейинги мониторинг сифатини яхшилаш, оғир стомал ва перистомал асоратлар учраш частотасини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: мазкур ёндашувни қўллаш ичак стомасининг маҳаллий асоратларига шубҳа қилинганда қўшимча инструментал, эндоскопик ва лаборатор текширувларга сарфланадиган харажатларни камайтиради. Стомада ишемия ва қон билан таъминланиш бузилиши белгиларини эрта аниқлаш ҳисобига стома орқали проктография билан биргаликда ирригография ўтказиш заруратини қисқартиришга эришилди. Проктография билан биргаликда стома орқали ирригографиянинг қиймати 237 000 сўмни ташкил этади (Миллий тиббиёт маркази преискурантига мувофиқ). 35 нафар беморда қўшимча текширув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $237\,000 \text{ сўм} \times 35 \text{ бемор} = 8\,295\,000 \text{ сўм}$. Операциядан кейинги тактикани ўз вақтида тузатиш такрорий даволаш-эндоскопик аралашувларга бўлган эҳтиёжни камайтириш имконини берди. Ректосигмоидоскопик оператив-даволаш текширувининг қиймати 285 000 сўмни ташкил этади. 25 нафар беморда қўшимча аралашув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $285\,000 \text{ сўм} \times 25 \text{ бемор} = 7\,125\,000 \text{ сўм}$. Яллиғланиш ва ишемия белгилари эрта аниқланганлиги такрорий лаборатор назорат заруратини камайтириш имконини берди. Қоннинг умумий таҳлили қиймати 74 000 сўмни, альбуминни аниқлаш қиймати - 39 000 сўмни, қон олиш қиймати - 14 000 сўмни ташкил этади. Лаборатор текширувлар мажмуасининг умумий қиймати 127 000 сўмни ташкил этади. 61 нафар беморда битта қўшимча лаборатор текширув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $127\,000 \text{ сўм} \times 61 \text{ бемор} = 7\,747\,000 \text{ сўм}$. Умумий иқтисод қилинган маблағ: $8\,295\,000 \text{ сўм} + 7\,125\,000 \text{ сўм} + 7\,747\,000 \text{ сўм} = 23\,167\,000 \text{ сўм}$. Йиллик иқтисод қилинган маблағ: беморларнинг ўртача йиллик сони 100 нафар бўлганда $23\,167\,000 \text{ сўм} \times (100 / 156) = 14\,850\,641 \text{ сўм}$. Хулоса: ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишининг интраоперацион ва операциядан кейинги хавф омилларини эрта аниқлашга қаратилган ишлаб чиқилган ёндашувни қўллаш тадқиқот даврида 23 167 000 сўм (156 нафар бемор) маблағни, йиллик амалиёт миқёсида эса 14 850 641 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 11 880 513 сўм бюджет маблағлари, 2 970 128 сўм эса бюджетдан ташқари маблағларни ташкил этди;

иккинчи илмий янгилик: операциядан олдинги клиник омиллар (иммуносупрессия, қандли диабет, гипоальбуминемия, анемия, тана вазни индекси экстремал қийматлари) маҳаллий асоратларнинг мустақил детерминантлари ҳисобланмайди, балки хавфни модификация қилувчи фонни шакллантириб, омилларнинг умумий таъсирини кучайтириши исботланди - Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (2026 йил 10 июндаги 4-сон баённома) «Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилишнинг клиник-хирургик ёндашувлари» номли услубий тавсиялар, шунингдек Миллий тиббиёт маркази, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 16 июндаги 28-сон буйруқ) ва Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 26 июндаги 20-Т-сон буйруқ) хирургия бўлимларида тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги буйруқлар асосида амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлик: тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ичак стомаси бўлган беморларда операциядан олдинги клиник хавф омилларининг аҳамиятини объектив баҳолаш, операциядан олдинги тайёргарлик сифатини ошириш, юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни ўз вақтида аниқлаш, хирургик аралашувгача анемия, гипоальбуминемия ва метаболик бузилишларни тузатиш, операциядан кейинги асоратлар учраш частотасини камайтириш ҳамда стомаси бўлган беморларни хирургик реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: мазкур ёндашувни қўллаш операциядан олдинги тайёргарлик, операциядан кейинги асоратларни даволаш ва такрорий госпитализация билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Анемия ва гипоальбуминемияни ўз вақтида тузатиш ҳисобига қўшимча лаборатор текширувларга бўлган эҳтиёжни камайтиришга эришилди. Лаборатор текширувлар мажмуасининг (қоннинг умумий таҳлили, қон олиш ва альбуминни аниқлаш) қиймати 127 000 сўмни ташкил этади (Миллий тиббиёт маркази преysкурантига мувофиқ). 156 нафар беморда битта қўшимча лаборатор текширув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $127\,000\text{ сўм} \times 156\text{ бемор} = 19\,812\,000\text{ сўм}$. Операциядан олдинги тайёргарликни оптималлаштириш қўшимча даволашни талаб қилувчи маҳаллий асоратлар учраш частотасини камайтириш имконини берди. Битта маҳаллий асоратни даволашнинг ўртача қиймати 850 000 сўмни ташкил этади (Миллий тиббиёт маркази преysкурантига мувофиқ). 20 нафар беморда қўшимча даволаш харажатларининг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $850\,000\text{ сўм} \times 20\text{ бемор} = 17\,000\,000\text{ сўм}$. Асоратлар учраш частотасининг камайтириши ҳисобига стационарда даволаниш муддатини ўртача 2 ўрин-кунга қисқартиришга эришилди. Бир ўрин-куннинг қиймати 415 400 сўмни ташкил этади (Миллий тиббиёт маркази преysкурантига мувофиқ). 30 нафар беморда госпитализация муддатини қисқартиришга эришилди. Иқтисод қилинган маблағ: $415\,400\text{ сўм} \times 2\text{ кун} \times 30\text{ бемор} = 24\,924\,000$

сўм. Умумий иқтисод қилинган маблағ: $19\,812\,000\text{ сўм} + 17\,000\,000\text{ сўм} + 24\,924\,000\text{ сўм} = 61\,736\,000\text{ сўм}$. Йиллик иқтисод қилинган маблағ: беморларнинг ўртача йиллик сони 100 нафар бўлганда $61\,736\,000\text{ сўм} \times (100 / 156) = 39\,574\,359\text{ сўм}$. Хулоса: ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишининг операциядан олдинги клиник хавф омилларини баҳолашга дифференциал ёндашувни қўллаш тадқиқот даврида 61 736 000 сўм (156 нафар бемор) маблағни, йиллик амалиёт миқёсида эса 39 574 359 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 31 659 487 сўм бюджет маблағлари, 7 914 872 сўм эса бюджетдан ташқари маблағларни ташкил этди;

учинчи илмий янгилик: клиник-хирургик хавф омилларининг интеграл баллли баҳоси ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишига нисбатан юқори прогностик аҳамиятга эга бўлиб, стомал асоратлар хавфини алоҳида ажратиш ишемик-техник предикторларнинг устун ҳиссаси билан белгиланадиган патогенетик ўзига хосликни таъминлаши аниқланди - Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (2026 йил 10 июндаги 4-сон баённома) «Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилишнинг клиник-хирургик ёндашувлари» номли услубий тавсиялар, шунингдек Миллий тиббиёт маркази, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 16 июндаги 28-сон буйруқ) ва Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 26 июндаги 20-Т-сон буйруқ) хирургия бўлимларида тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги буйруқлар асосида амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлик: тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш клиник-хирургик хавф омилларининг интеграл баллли баҳоси асосида ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишини башорат қилишни объективлаштириш, стомал асоратлар ривожланишининг юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни ажратиш, профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, операциядан кейинги кузатув сифатини яхшилаш, стоманинг ишемик ва техник асоратлари учраш частотасини камайтириш ҳамда беморларни хирургик реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: хавфнинг интеграл баллли баҳосини қўллаш қўшимча диагностик текширувлар, асоратларни даволаш ва такрорий госпитализация билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Хавфни янада аниқроқ стратификация қилиш ҳисобига қўшимча инструментал текширувларни ўтказиш заруратини қисқартиришга эришилди. Проктография билан биргаликда стома орқали ирригографиянинг қиймати 237 000 сўмни ташкил этади (Миллий тиббиёт маркази преискурантига мувофиқ). 50 нафар беморда қўшимча текширув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $237\,000\text{ сўм} \times 50\text{ бемор} = 11\,850\,000\text{ сўм}$. Хавфнинг интеграл шкаласидан фойдаланиш эндоскопик аралашувни талаб қилувчи маҳаллий асоратлар учраш частотасини камайтириш

имконини берди. Ректосигмоидоскопик даволаш текширувининг қиймати 285 000 сўмни ташкил этади. 40 нафар беморда қўшимча аралашув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $285\,000 \text{ сўм} \times 40 \text{ бемор} = 11\,400\,000 \text{ сўм}$. Асоратларни ўз вақтида профилактика қилиш ҳисобига такрорий госпитализациялар учраш частотасини камайтиришга эришилди. Бир ўрин-куннинг қиймати 415 400 сўмни ташкил этади. 35 нафар беморда стационарда даволаниш муддати ўртача 3 кунга қисқартирилди. Иқтисод қилинган маблағ: $415\,400 \text{ сўм} \times 3 \text{ кун} \times 35 \text{ бемор} = 43\,617\,000 \text{ сўм}$. Умумий иқтисод қилинган маблағ: $11\,850\,000 \text{ сўм} + 11\,400\,000 \text{ сўм} + 43\,617\,000 \text{ сўм} = 66\,867\,000 \text{ сўм}$. Йиллик иқтисод қилинган маблағ: беморларнинг ўртача йиллик сони 100 нафар бўлганда $66\,867\,000 \text{ сўм} \times (100 / 156) = 42\,863\,462 \text{ сўм}$. Хулоса: ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишининг клиник-хирургик хавф омилларини интеграл баллли баҳолашни қўллаш тадқиқот даврида 66 867 000 сўм (156 нафар бемор) маблағни, йиллик амалиёт миқёсида эса 42 863 462 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 34 290 770 сўм бюджет маблағлари, 8 572 692 сўм эса бюджетдан ташқари маблағларни ташкил этди;

тўртинчи илмий янгилик: хирургик даволашнинг барча босқичларида намоён бўладиган ўзига хос омилларнинг умумий таъсирини интеграл баҳолашга асосланган ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилиш усули ишлаб чиқилди - Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган (2026 йил 10 июндаги 4-сон баённома) «Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилишнинг клиник-хирургик ёндашувлари» номли услубий тавсиялар, шунингдек Миллий тиббиёт маркази, Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 16 июндаги 28-сон буйруқ) ва Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2026 йил 26 июндаги 20-Т-сон буйруқ) хирургия бўлимларида тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги буйруқлар асосида амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлик: тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилишнинг объектив усулини клиник амалиётга жорий этиш, беморларни хавф даражаси бўйича персоналлаштирилган стратификация қилиш, профилактик ҳамда даволаш-диагностик тадбирлар ҳажмини ўз вақтида белгилаш, оғир стомал асоратлар учраш частотасини камайтириш, хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берди. Иқтисодий самарадорлик: ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилиш усулини қўллаш асоратларни даволаш, такрорий госпитализация ва реконструктив-тикловчи аралашувлар билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни ўз вақтида аниқлаш ҳисобига такрорий хирургик даволашни талаб қилувчи оғир маҳаллий асоратлар ривожланиш

частотасини камайтиришга эришилди. Битта реконструктив-тикловчи операциянинг қиймати 3 500 000 сўмни ташкил этади (Миллий тиббиёт маркази прејскурантига мувофиқ). 12 нафар беморда такрорий оператив аралашув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $3\,500\,000 \text{ сўм} \times 12 \text{ бемор} = 42\,000\,000 \text{ сўм}$. Прогностик моделдан фойдаланиш қўшимча эндоскопик текширувлар ва даволаш манипуляцияларини бажариш заруратини қисқартириш имконини берди. Ректосигмоидоскопик даволаш текширувининг қиймати 285 000 сўмни ташкил этади. 60 нафар беморда қўшимча аралашув ўтказишнинг олди олинди. Иқтисод қилинган маблағ: $285\,000 \text{ сўм} \times 60 \text{ бемор} = 17\,100\,000 \text{ сўм}$. Маҳаллий асоратларнинг профилактикаси ҳисобига стационарда даволаниш муддатини ўртача 3 ўрин-кунга қисқартиришга эришилди. Бир ўрин-куннинг қиймати 415 400 сўмни ташкил этади. 50 нафар беморда госпитализация муддатини қисқартиришга эришилди. Иқтисод қилинган маблағ: $415\,400 \text{ сўм} \times 3 \text{ кун} \times 50 \text{ бемор} = 62\,310\,000 \text{ сўм}$. Умумий иқтисод қилинган маблағ: $42\,000\,000 \text{ сўм} + 17\,100\,000 \text{ сўм} + 62\,310\,000 \text{ сўм} = 121\,410\,000 \text{ сўм}$. Йиллик иқтисод қилинган маблағ: беморларнинг ўртача йиллик сони 100 нафар бўлганда $121\,410\,000 \text{ сўм} \times (100 / 156) = 77\,826\,923 \text{ сўм}$. Хулоса: ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилиш усулини қўллаш тадқиқот даврида 121 410 000 сўм (156 нафар бемор) маблағни, йиллик амалиёт миқёсида эса 77 826 923 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 62 261 538 сўм бюджет маблағлари, 15 565 385 сўм эса бюджетдан ташқари маблағларни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги конференцияда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 4 таси журнал мақолалари ҳисобланади, уларнинг 3 таси республика, 1 таси эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишини бажаришнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ҳамда илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, шунингдек

иш натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари шаклланишининг замонавий жиҳатлари ва улар ривожланиши хавф омилларининг таҳлили» деб номланган биринчи бобида, адабиётлар шарҳи келтирилган. Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари учраш частотаси, уларнинг клиник аҳамияти бўйича замонавий маълумотлар, шунингдек стомаси бўлган беморларда хирургик даволаш натижаларини башорат қилиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Боб якунида келгусида ўз ечимини талаб қилувчи мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг «Клиник материал, қўлланилган тадқиқот усуллари ва маълумотларга статистик ишлов беришнинг тавсифи» номли иккинчи бобида, тадқиқот дизайни ва таҳлил қилинган беморлар когортининг асосий тавсифлари келтирилган. Тадқиқот асосини 2023-2026 йиллар давомида қорин бўшлиғи аъзоларида бажарилган операциялар натижасида ичак стомаси шакллантирилган 156 нафар бемор ташкил этди. Барча беморлар ягона танлаш стандартлари асосида тадқиқотга киритилди. Жинс бўйича тақсимот эркакларнинг устунлигини кўрсатди - 94 нафар (60,3%), аёллар сони эса 62 нафарни (39,7%) ташкил этди. Беморларнинг ёш таркибида кекса ёшдаги шахслар устунлик қилди: 60-74 ёшдагилар - 85 нафар (54,5%), 44 ёшгача бўлган беморлар - 41 нафарни (26,3%) ташкил этди. 45-59 ёш гуруҳида 28 нафар (17,9%) бемор бўлган, шунингдек 2 та (1,3%) ҳолатда 75 ёшдан катта беморлар кузатилган.

Асосий патология тузилмасида ичакнинг яллиғланиш касалликлари 48 та (30,8%) ҳолатни ташкил этган бўлиб, улар орасида илеостома шакллантирилган носпецифик ярали колит устунлик қилди - 43 та (27,6%). Крон касаллиги 5 нафар (3,2%) беморда верификация қилинган. Йўғон ичак ўсмалари 41 нафар (26,3%) беморда аниқланган бўлиб, шундан 21 нафар (13,5%) беморда ўсма йўғон ичакнинг обод қисмида жойлашган. Сигмасимон ичак ўсмалари 14 нафар (9,0%) беморда аниқланган. Йўғон ичакнинг диффуз полипозиди 6 нафар (3,8%) беморда операция ўтказилишига сабаб бўлган. Тўғри ичак ўсмалари 41 та (26,3%) кузатувни ташкил этган. Ўсма билан боғлиқ бўлмаган ўткир ичак тутилиши 22 нафар (14,1%) беморда ташхис қилинган бўлиб, шундан 14 нафар (9,0%) беморда битишмаларга боғлиқ этиология, 8 нафар (5,1%) беморда эса сигмасимон ичак буралиши аниқланган. Ичакнинг травматик шикастланишлари 2 нафар (1,3%) беморда стома шакллантирилишига сабаб бўлган. Яна 2 та (1,3%) ҳолатда Гиршпрунг касаллиги аниқланган. Умуман олганда, барча беморлар орасида 88 нафар (56,4%) беморда колостома, 68 нафар (43,6%) беморда эса илеостома шакллантирилган.

Тадқиқотга киритилган беморлар орасида бир устунли терминал

колостома 63 нафар (40,4%) беморда шакллантирилган. Осма илеостома 45 нафар (28,8%) беморда шакллантирилган бўлиб, асосан ичакнинг яллиғланиш касалликларида ва йўғон ичакда бажарилган реконструктив операциялардан кейин юкламани камайтирувчи стома сифатида қўлланилган. Терминал илеостома 23 нафар (14,7%) беморда бажарилган бўлиб, кўпинча ичакнинг оғир яллиғланиш касалликларида қўйилган. Икки устунли колостома 25 нафар (16,0%) беморда шакллантирилган бўлиб, асосан ичак тутилиши ҳамда қорин бўшлиғи аъзоларининг яллиғланиш-деструктив касалликларида қўлланилган.

Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари таҳлили уларнинг анатомик локализацияси ва шаклланишининг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди. Ичак стомаси хирургиясининг умумэътироф этилган тамойилларига мувофиқ барча асоратлар учта асосий гуруҳга: стомал, парастомал ва перистомал асоратларга тизимлаштирилди.

Диссертациянинг «**Ичак стомаси бўлган беморларда маҳаллий асоратлар ривожланишининг хавф омиллари ва уларни башорат қилиш**» номли учинчи бобида, потенциал аҳамиятга эга бўлган хавф омиллари таҳлил қилиниб, ажратиб кўрсатилган. Ичак стомаси шакллантирилган 156 нафар бемордан иборат умумий гуруҳда операциядан кейинги даврнинг асоратланган кечиши 61 нафар (39,1%) беморда қайд этилган.

Асоратлар тузилмасида перистомал теридаги ўзгаришлар устунлик қилди - 50 та (32,1%) ҳолат: стома атрофидаги тери мацерацияси - 18 та (11,5%), юзаки инфекция кўринишидаги тери яллиғланиш ўзгаришлари - 15 та (9,6%) ва перистомал дерматит - 12 та (7,7%); терининг эрозив-ярали шикастланишлари - 5 та (3,2%). Айнан стомал асоратлар орасида энг кўп стома чокларининг етишмовчилиги қайд этилган бўлиб, у 4 нафар (2,6%) беморда аниқланган. Стома некрози 3 нафар (1,9%) беморда ташхис қилинган бўлиб, одатда операциядан кейинги эрта даврда чиқарилган ичак сегментининг қон билан таъминланиши бузилиши билан боғлиқ бўлган. Стоманинг ретракцияси ва пролапси камроқ учраган бўлиб, мос равишда 2 нафар (1,3%) ва 2 нафар (1,3%) беморда аниқланган. Стома стенози 1 та (0,6%) ҳолатда қайд этилган. Парастомал асоратлар тузилмасида энг кўп тўқималарнинг яллиғланиш ўзгаришлари аниқланган. 4 нафар (2,6%) беморда парастомал инфильтрат ривожланган, парастомал эвентрация эса 3 та (1,9%) ҳолатда қайд этилган. Парастомал абсцесс ва жароҳатнинг йиринглаши ҳар бири 2 тадан (1,3%) ҳолатни ташкил этган. Келтирилган барча асоратлар қўшимча даволаш тадбирларини ўтказишни талаб қилган. Умуман олганда, мазкур турдаги асоратлар (стомал ва парастомал) 23 нафар (14,7%) беморда ривожланган. Бунда фақат стомал ва парастомал асоратлар 11 нафар (7,1%)

беморда, фақат перистомал асоратлар 38 нафар (24,4%) беморда, биргаликдаги асоратлар эса 12 нафар (7,7%) беморда аниқланган.

Аксарият омиллар таъсирининг амалга ошишида асосий мезонлар сифатида ҳам асосий патологиянинг оғирлиги ва унинг асоратлари, ҳамроҳ соматик ҳолатлар, шунингдек стомани шакллантиришнинг техник жиҳатлари хизмат қилади. Турли мезонлар бўйича олтмишдан ортиқ турли омиллар таҳлил қилинди. Адабиётлар таҳлили ва шахсий тажрибага асосланган ҳолда барча потенциал аҳамиятга эга омиллар гуруҳлари кўриб чиқилди. Уларнинг омил сифатидаги таъсир даражасини фрагментар таҳлил қилиш операциядан олдинги клиник, интраоперацион (хирургик) ва операциядан кейинги эрта давр омилларига ажратилган энг аҳамиятли предикторларни аниқлаш имконини берди.

Хавф омиллари бўйича тақсимот уларнинг стома соҳасидаги маҳаллий асоратлар ривожланиш частотасига сезиларли таъсир кўрсатишини намоён қилди. Хусусан, патологик ТВИ мавжуд бўлган беморларда маҳаллий асоратлар кўпроқ қайд этилган бўлиб, улар 63,5% ни ташкил этди ва бунда алоҳида перистомал кўринишлар устунлик қилди - 21 та (40,4%). Ушбу омил мавжуд бўлмаган беморларда барча асоратлар улуши 26,9% ни ташкил этган бўлиб, бу ерда ҳам перистомал кўринишлар устунлик қилди - 17 та (16,3%) ($\chi^2=19,926$; $p=0,0002$). Худди шундай тенденция қандли диабети бўлган беморларда ҳам аниқланди. Перистомал асоратлар сони диабет мавжуд бўлган беморларда 19 тани (42,2%), диабет бўлмаган беморларда эса 19 тани (17,1%) ташкил этди ($\chi^2=24,06$; $p<0,001$).

Нутритив ҳолатнинг бузилиши омили ҳам маҳаллий асоратлар учраш частотаси билан яққол ассоциацияни намоён қилди. Хусусан, гипоальбуминемия мавжуд бўлган беморларда асоратлар 40 нафарда (60,6%) ривожланган бўлса, бошқа ҳолатларда 21 нафарда (23,3%) кузатилган ($\chi^2=22,759$; $p<0,001$). Анемия мавжуд бўлган беморларда маҳаллий асоратлар 34 нафарда (60,7%), анемия мавжуд бўлмаганларда эса 27 нафарда (27,0%) қайд этилган ($\chi^2=18,6$; $p=0,0003$).

Шошилиш операциядан кейин маҳаллий асоратлар 46 нафар (56,8%) беморда, режали операциялардан кейин эса 15 нафар (20,0%) беморда ривожланган ($\chi^2=22,514$; $p=0,0001$). Онкологик касаллик ҳам асоратлар учраш частотасининг ошишига сабаб бўлган ($\chi^2=7,993$; $p=0,0462$). Илеостома 38 нафар (55,9%) беморда асоратлар билан кечган бўлса, стоманинг бошқа турларида бу кўрсаткич 23 нафарни (26,1%) ташкил этган ($\chi^2=14,627$; $p=0,0022$).

Энг юқори прогностик аҳамият стома четларининг қон билан таъминланиши бузилишининг интраоперацион ва эрта клиник белгилари учун аниқланди. Интраоперацион ишемия белгилари мавжуд бўлган беморларда маҳаллий асоратлар 26 нафарда (92,9%) ривожланган бўлса, ушбу белгилар мавжуд бўлмаган беморларда бу

кўрсаткич 35 нафарни (27,3%) ташкил этган ($\chi^2=59,751$; $p<0,001$).

Йирингли ёки ахлатли перитонит мавжуд бўлган беморларда маҳаллий асоратлар учраш частотаси 85,3% ни ташкил этган бўлса, у мавжуд бўлмаган ҳолларда бу кўрсаткич 26,2% ни ташкил этган ($\chi^2=39,979$; $p<0,001$). Ичак тутқичи ва чиқарилган ичак қисмининг яққол шиши, ичакнинг таранглиги ҳамда ичакнинг апоневрозга профилактик фиксацияси бажарилмаганлиги ҳам стомал ва перистомал асоратлар учраш частотасининг ошиши билан ишончли даражада боғлиқ эканлиги аниқланган ($p=0,0003$).

Операциядан кейинги мезонлар гуруҳида ривожланган асоратлар учраш частотаси бўйича кутилганидек аҳамиятли фарқлар аниқланди: ишемиянинг эрта клиник белгилари мавжуд бўлганда маҳаллий асоратлар 87,5% ҳолатда, бу белгилар мавжуд бўлмаганда эса 33,6% ҳолатда кузатилган ($\chi^2=43,392$; $p<0,001$); стоманинг яққол шиши 48 соатдан ортиқ сақланиб қолган беморларда маҳаллий асоратлар 68,0% ҳолатда, шиш 48 соатдан ортиқ сақланмаган беморларда эса 33,6% ҳолатда қайд этилган ($p<0,001$).

Кўриб чиқилган омиллар билан ичак стомаси маҳаллий асоратлари ривожланиш частотаси ўртасидаги ассоциация кучини баҳолаш мақсадида ҳар бир омил учун имкониятлар нисбати ва 95% ишонч интервали ҳисобланган ҳолда таҳлил ўтказилди. Олинган маълумотлар омиллар таъсирининг даражаси хавфнинг ўртача ошишидан тортиб деярли детерминант таъсиргача ўзгаришини аниқлаш имконини берди. Умуман олганда, барча омиллар барқарор ассоциацияланган таъсирни намоён қилди, бунда энг паст аҳамият фақат ёш омили (1,57) ва сероз перитонит мавжудлиги (0,84) учун қайд этилди (1-жадвал). Таъкидлаш лозимки, перитонитнинг ичак стомаси маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфига таъсирини баҳолашда сероз ва йирингли шакллар мустақил белгилар сифатида кўриб чиқилмади, чунки бундай кодлаш нотўғри бўлар эди ва натижада сероз перитонит омилнинг аҳамияти паст чиқишига олиб келди. Бу ҳолатда баҳолаш сероз перитонити бўлган беморлар билан перитонити бўлмаган беморлар ҳамда ахлатли перитонити бўлган беморларни ўз ичига олган гуруҳ ўртасида амалга оширилди. Шу муносабат билан кейинги таҳлилларда перитонит уч даражали категориал ўзгарувчи сифатида баҳоланди: перитонитнинг йўқлиги (75 нафар бемор), сероз/сероз-фибриноз перитонит (47 нафар бемор) ва йирингли/нажасли перитонит (34 нафар бемор), бу эса асоратлар ривожланиши хавфи градиентини тўғри баҳолаш имконини берди.

1-жадвал

Хавф омилларининг маҳаллий асоратлар ривожланиши билан ассоциациясини таҳлил қилиш

№	Омил	п (омил мавжуд)	Омил мавжудлигида асоратлар, n (%)	Омил мавжуд бўлмаганида асоратлар, n (%)	OR	95% CI
---	------	-----------------	------------------------------------	--	----	--------

1	Ёши ≥65 ёш	84	37 (44.0%)	24 (33.3%)	1,57	0.82-3.02
2	ТВИ <18,5 ёки ≥30	52	33 (63.5%)	28 (26.9%)	4,71	2.31-9.60
3	Қандли диабет	45	31 (68.9%)	30 (27.0%)	5,98	2.80-12.75
4	Альбумин <30 г/л	66	40 (60.6%)	21 (23.3%)	5,05	2.52-10.12
5	Нб <100 г/л	56	34 (60.7%)	27 (27.0%)	4,18	2.09-8.37
6	Иммуносупрессия/ иммунодефицит	33	26 (78.8%)	35 (28.5%)	9,34	3.71-23.48
7	Онкология	76	38 (50.0%)	23 (28.7%)	2,48	1.28-4.80
8	Шошилинч операция	81	46 (56.8%)	15 (20.0%)	5,26	2.57-10.76
9	Илеостома	68	38 (55.9%)	23 (26.1%)	3,58	1.82-7.03
10	Сероз/сероз-фибриноз перитонит	47	17 (36.2%)	44 (40.4%)	0,84	0.41-1.70
11	Йирингли/нажасли перитонит	34	29 (85.3%)	32 (26.2%)	16,31	5.82-45.75
12	Ичак тутқичи/ичакнинг яққол шиши	62	37 (59.7%)	24 (25.5%)	4,32	2.17-8.58
13	Ичакнинг таранглиги	44	30 (68.2%)	31 (27.7%)	5,60	2.63-11.94
14	Стома четининг қон билан таъминланиши бузилиши (интраоперацион)	28	26 (92.9%)	35 (27.3%)	34,54	7.79-153.25
15	Стоманинг оптимал зонадан ташқарида жойлашиши	39	25 (64.1%)	36 (30.8%)	4,02	1.87-8.62
16	Ичакнинг апоневрозга фиксацияси йўқ	41	30 (73.2%)	31 (27.0%)	7,39	3.31-16.52
17	Стома шиши >48 ч	25	16 (68,1%)	28 (33.6%)	4,36	1.67-11.37
18	Ажралма (сероз/сероз- йирингли)	13	13 (100%)	48 (33.6%)	-	-
19	Стома четларида ишемиянинг эрта белгилари	16	14 (87.5%)	47 (33.6%)	13,86	3.01-63.74
20	SIRS ≥2	29	22 (75.9%)	39 (30.7%)	7,10	2.87-17.55
21	Гиперсекреция (илеостомада)	18	15 (83,3%)	8 (46.0%)	5,63	1.10-28.76

Қайта кодлаш ўтказилганидан сўнг сероз перитонит ҳам аҳамиятли омилга айланди, чунки OR кўрсаткичи 95% ИИ 1,00-5,15 ($p=0,0482$) билан 2,27 ни ташкил этди. Ўз навбатида, йирингли/ахлатли перитонит учун ўтказилган худди шундай таҳлилда ҳам аҳамият кўрсаткичи ошиб, OR=23,20 (95% ИИ 7,68-70,04; $p<0,001$) ни ташкил этди. Шунга мувофиқ, оғирлик даражаси ошиб бориши тенденцияси асослаб берилди ва бу хавф даражаси ҳақидаги клиник концепцияни тасдиқлади.

Диссертациянинг «Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини баҳолашнинг прогностик моделларини ишлаб чиқиш ва клиник жиҳатдан асослаш» деб номланган тўртинчи

бобида, омилларнинг умумий таъсирининг предиктор аҳамиятига асосланган прогностик моделларни яратиш бўйича таҳлил келтирилган. Базавий модель сифатида дастлаб операциядан кейинги эрта даврдаги прогнозга йўналтирилган ичак стомасининг барча маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди. Кейинчалик, перистомал тери кўринишлари билан айнан стомал/парастомал асоратлар ўртасидаги фарқлар, шунингдек уларнинг патогенези хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, фақат стомал асоратлар гуруҳини башорат қилишга мўлжалланган алоҳида шкала ажратилди. Мазкур шкалани шакллантириш таҳлилнинг мақсадли якуний нуқтасини ўзгартиришга асосланган бўлиб, унга фақат чиқарилган ичак қисмида ишемик ва техник омиллар билан боғлиқ бузилишлар ривожланганда мустақил прогностик аҳамияти сақланиб қолган омиллар киритилди.

Прогностик шкалаларга қўшимча равишда операциядан кейинги дастлабки 48-72 соат давомидаги мониторингга стоманинг перфузия ҳолати, тизимли ва маҳаллий яллиғланиш реакциясининг яққоллигини акс эттирувчи клиник жиҳатдан аҳамиятли белгилари киритилди. Бу прогнозни эрта клиник-реабилитацион кузатув босқичига мослаштириш имконини берди. Баллар хавф иерархияси тамойили асосида берилди, бунда OR кўрсаткичи юқорироқ ва патогенетик жиҳатдан етакчи аҳамиятга эга бўлган омилларга кўпроқ балл ажратилди. Моделнинг ортиқча мураккаблашувининг олдини олиш мақсадида амалиётда қўллаш учун қулай бўлган дискрет баллли тизимдан фойдаланилди.

Ичак стомасининг барча маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини баҳолаш шкаласи. Шкала кўп омилли логистик регрессия асосида шакллантирилган бўлиб, OR қийматлари (1-жадвалга нисбатан) ҳамда омиллар таркибидаги фарқлар кўп омилли таҳлил натижаларига кўра эффектларни тузатиш билан изоҳланади ва шу сабабли маълумотлар ўртасида қарама-қаршилик мавжудлигини билдирмайди. Ичак стомасининг барча маҳаллий асоратлари (стомал, перистомал ва биргаликдаги) ривожланишини башорат қилиш шкаласидаги ҳар бир омилга баллар «ҳар қандай маҳаллий асоратнинг мавжудлиги» бинар якуний нуқтасидан фойдаланган ҳолда тузилган кўп омилли логистик регрессия коэффицентлари асосида берилди. Мос равишда, OR қийматлари юқорироқ ва ишонч интерваллари торроқ бўлган омилларга кўпроқ балл берилди, бу эса уларнинг асоратлар шаклланишидаги мустақил ҳиссаси юқорилигини акс эттирди. Таъкидлаш лозимки, шкалани шакллантиришда асоратларнинг кўп омилли хусусиятга эга бўлган ҳамда метаболик, инфекцион-яллиғланиш ва техник омиллар уйғунлиги билан белгиланадиган умумий таъсири ҳисобга олинди. Шу муносабат билан, ҳатто OR қийматлари ўртача бўлган, аммо юқори клиник аҳамиятга эга омиллар (анемия, гипоальбуминемия,

аралашувнинг шошилини хусусияти) ҳам шкалада сақлаб қолинди ва уларга мос балл ифодаси берилди (2-жадвал).

Шкала бўйича максимал балл йиғиндиси 26 ни ташкил этади. «Сероз/сероз-фибриноз перитонит» ва «йирингли/нажасли перитонит» омиллари ўзаро бир-бирини истисно қилади ва жами баллни ҳисоблашда муқобил тарзда ҳисобга олинади.

2-жадвал

Ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланишининг мустақил хавф омиллари

№	Хавф омиллари	OR	95% ИИ	p	Балллар
1	Беморнинг ёши ≥ 65 ёш	1,57	0,82-3,02	0,17	1
2	Экстремал ТВИ ($<18,5$ ёки ≥ 30 кг/м ²)	4,71	2,18-10,16	$<0,001$	1
3	Қандли диабет	5,98	2,59-13,79	$<0,001$	1
4	Гипоальбуминемия (<30 г/л)	5,05	2,29-11,13	$<0,001$	2
5	Анемия (Hb <100 г/л)	4,32	2,02-9,26	$<0,001$	2
6	Иммуносупрессия / иммунодефицит	9,34	3,80-22,97	$<0,001$	2
7	Онкологик касаллик	4,02	1,86-8,67	$<0,001$	1
8	Операциянинг шошилини хусусияти	5,26	2,36-11,71	$<0,001$	2
9	Илеостома	3,58	1,78-7,22	$<0,001$	1
10	Сероз / сероз-фибриноз перитонит	2,27	1,00-5,15	0,048	2
11	Йирингли / нажасли перитонит	23,20	7,68-70,04	$<0,001$	3
12	Ичак тутқичи ва чиқарилган ичак қисмининг яққол шиши	4,18	1,99-8,77	$<0,001$	2
13	Чиқарилган ичак қисмининг таранглиги	5,60	2,63-11,94	$<0,001$	2
14	Стома четларида қон билан таъминланиш бузилишининг белгилари (интраоперацион)	34,78	8,12- >100	$<0,001$	4
15	Стоманинг қорин олд деворининг оптимал зонасидан ташқарида шакллантирилиши	2,48	1,28-4,83	0,006	1
16	Ичакнинг апоневрозга профилактик фиксацияси мавжуд эмас	7,39	3,04-17,96	$<0,001$	1

Изоҳ: OR (шанслар нисбати) - ўрганилаётган омил мавжуд бўлганда, унинг мавжуд эмаслигига нисбатан ноҳуш оқибат ривожланиш шанси неча марта ошишини акс эттирувчи кўрсаткич. OR >1 қиймати асоратлар хавфининг ошишини, OR =1 омилнинг таъсири йўқлигини, OR <1 эса ҳимояловчи таъсир мавжудлигини кўрсатади.

Юден (Youden) мезони бўйича ҳисобланган оптимал чегаравий қиймат 9 баллни ташкил этди. Ушбу қийматда моделнинг сезувчанлиги 95,1%, спецификлиги эса 85,3% ни ташкил қилди, бу маҳаллий асоратлар ривожланишининг юқори хавфига эга бўлган беморларни аниқлаш ҳамда ёлғон мусбат прогнозлар сонини минималлаштириш ўртасидаги оптимал мувозанатни таъминлайди.

Ишлаб чиқилган прогностик шкаланинг клиник қўлланилишини таъминлаш мақсадида жами баллнинг интерпретацияси омилларнинг умумий таъсири асосида амалга оширилиб, ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфининг уч даражаси ажратиб кўрсатилди.

Жами 0-8 балл (паст хавф) ичак стомасининг битиши ва фаолият кўрсатиши учун потенциал жиҳатдан қулай шароитларни белгилайди,

бу эса қўшимча интенсивлаштирилган тактикани қўллаш заруратисиз стандарт тарзда олиб бориш имконини беради.

Жами 9-14 балл бўлганда бемор ўртача хавф гуруҳига киритилади. Ушбу гуруҳдаги беморларда асоратлар ривожланиш эҳтимоли клиник жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, бу операциядан кейинги кузатувга янада эътиборли ёндашувни талаб қилади. Бундай ҳолларда чиқарилган ичак сегменти ҳолати устидан назоратни кучайтириш, эрта ўзгаришларга (ишемия белгилари, яллиғланиш ўзгаришлари ва стомани шакллантиришдаги техник номутаносибликларни аниқлашга) алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Интраоперацион босқичда бундай беморларда бошқариш мумкин бўлган мезонларга таъсир кўрсатиш орқали омилларнинг таъсирини камайтириш мумкин. Бу хирургик тактика қон билан таъминланишни максимал даражада авайлашга қаратилган бўлиши, ичакнинг таранглиги, унинг етарли даражада чиқарилганлиги ва фиксацияси мажбурий тарзда баҳоланиши лозимлигини англатади.

Жами балл ≥ 15 бўлиши юқори хавфга мос келади. Ушбу беморларда маҳаллий асоратлар ривожланиш эҳтимоли энг юқори бўлиб, фаол тактик ёндашувни талаб қилади. Мазкур гуруҳ беморларида операциядан олдинги клиник омилларнинг умумий хавфини баҳолаш асосида операция вақтида ҳам ишемик ва механик хавф омилларини минималлаштириш мақсадида хирургик босқични модификация қилиш имкониятини кўриб чиқиш лозим, жумладан стомани чиқариш даражасини қайта кўриб чиқиш, ичак таранглигини камайтириш, етарли қон билан таъминланиш ва фиксацияни таъминлаш зарур. Ушбу тоифадаги беморлар ноқулай кечиш белгиларини эрта аниқлаш мақсадида маҳаллий ҳолатни синчковлик билан мониторинг қилишни талаб қилади. Ушбу асоратларнинг оғирлиги (одатда стомал асоратлар) кўпинча такрорий хирургик аралашув ўтказиш заруратини назарда тутади.

Бир беморга тўғри келадиган хавф омиллари сонини оддий ҳисоблаш усулини баллли шкала билан таққослаганда, беморларни маҳаллий асоратлар ривожланиш хавфи даражалари бўйича тақсимлашда яққол градиент кузатилди. Хусусан, хавф омиллари сонига кўра асоратлар учраш частотаси қуйидагича тақсимланди: ≤ 4 та омил - 2 та (2,8%) асорат; 5-9 та омил - 39 та (60,0%); ≥ 10 та омил - 20 та (100,0%), балллар йиғиндиси бўйича эса: 0-8 балл - 3 та (3,6%) асорат; 9-14 балл - 26 та (65,0%) асорат ва ≥ 15 балл - 32 та (100,0%). Бунда ҳар иккала моделда ҳам хавф даражалари бўйича асоратлар учраш частотаси деярли бир хил бўлган. Бироқ беморларни хавф даражалари бўйича тақсимлашнинг таққослама таҳлили моделларнинг стратификация қилиш қобилияти бир хил эмаслигини кўрсатди. Хавф омиллари сонига кўра тақсимлашда паст хавф гуруҳига 71 нафар бемор киритилган бўлса, баллли баҳолашдан фойдаланилганда бу кўрсаткич 84 нафарни ташкил этди. Ўртача

хавфни верификация қилишда баллли моделга ўтиш билан беморлар сони 65 нафардан 40 нафаргача камайганлиги қайд этилди. Ўз навбатида, юқори хавф гуруҳида беморлар сони 20 нафардан 32 нафаргача ошган бўлиб, бу потенциал ноқулай кечишга эга беморларни янада аниқроқ дифференциация қилиш имконини кўрсатади ($\chi^2=9,812$; $df=2$; $p=0,0074$).

Асоратлар учраш частотаси таҳлили статистик аҳамиятли фарқланишга мойиллик мавжудлигини кўрсатди ($\chi^2=5,569$; $df=2$; $p=0,0618$). Паст хавф гуруҳида асоратлар яқка ҳолатларда қайд этилди (2 ва 3 та кузатув). Ўртача хавф гуруҳида хавф омиллари сонига кўра баҳолашда асоратлар 39 нафар беморда қайд этилган бўлса, баллли интерпретацияда 26 нафар беморда кузатилди. Ушбу модель асосида ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиши хавфини башорат қилиш усули ишлаб чиқилди ва унга ихтиро учун патент олинди.

Стомал асоратлар хавфини баҳолаш шкаласи. Стомал асоратларни (биргаликдаги шаклларни ҳам ўз ичига олган ҳолда) башорат қилиш шкаласи учун ҳам худди шундай услубий ёндашувдан фойдаланилди, бироқ омилларни балллаш «стомал асоратлар» якуний нуқтасига асосланган кўп омилли модель натижалари асосида амалга оширилди.

Ишемик ва некротик асоратлар патогенезида OR нинг энг юқори қийматларини ҳамда юқори статистик аҳамиятни намоён этган омиллар (стома четларида қон билан таъминланиш бузилиши белгилари, чиқарилган ичак қисмининг таранглиги) устун аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, инфекцион-яллиғланиш ва метаболик хусусиятга эга омиллар (перитонит, анемия) шкалага камроқ балл билан киритилди, чунки улар перфузия ва репаратив жараёнларга билвосита таъсир кўрсатади.

Анемия мавжуд бўлганда 1 балл, «сероз/сероз-фибриноз перитонит»да - 2 балл, «йирингли/нажасли перитонит»да - 2 балл, ичак тутқичининг яққол шишида - 2 балл, чиқарилган ичак қисмининг таранглигида - 3 балл ва стома четларида қон билан таъминланиш бузилиши белгилари мавжуд бўлганда - 5 балл берилади. Шкала бўйича максимал балл йиғиндиси 13 ни ташкил этади. «Сероз/сероз-фибриноз перитонит» ва «йирингли/нажасли перитонит» омиллари ўзаро бир-бирини истисно қилади ва жами баллни ҳисоблашда муқобил тарзда ҳисобга олинади. Стома четларида қон билан таъминланиш бузилишининг интраоперацион белгилари мавжуд бўлганда бемор шкала бўйича жами баллдан қатъи назар автоматик равишда стомал асоратлар ривожланишининг юқори хавф гуруҳига киритилади. Таъкидлаш лозимки, стома четларида қон билан таъминланишнинг бузилиши, қоида тариқасида, ажратилган бошқа предикторлар билан бирга кузатилади. Шу муносабат билан ушбу омилнинг вазн коэффицентини ошириш талаб этилмади.

Юден мезони бўйича стомал асоратлар хавфи шкаласи учун оптимал чегаравий қиймат ≥ 7 баллни ташкил этади. Ушбу чегарада моделнинг сезувчанлиги 82,6% ни (стомал асоратларнинг 23 та ҳолатидан 19 таси ≥ 7 балл гуруҳига тўғри келади), спецификлиги эса 87,2% ни (стомал асоратлари бўлмаган 133 нафар беморнинг 116 нафарида < 7 балл қайд этилган) ташкил этади, Юден индекси $J=0,698$.


Жами балл 0 дан 3 гача бўлганда хавфнинг паст даражаси белгиланади, бу етарли перфузия мавжудлигини ва беморни стандарт тарзда олиб бориш имкониятини билдиради. 4-6 балл бўлганда хавфнинг ўртача даражаси белгиланади, бу перфузиянинг чегаравий ҳолатини кўрсатади ва реабилитация тадбирларини эрта босқичда интенсивлаштиришни талаб қилади. ≥ 7 балл тўпланганда хавфнинг юқори даражаси белгиланади, бу стоманинг ишемияси/некрози ривожланишининг юқори хавфини кўрсатади ҳамда беморни олиб бориш тактикасини зудлик билан бошқариладиган тарзда кучайтиришни, маҳаллий қўшимча физик ва кимёвий даволаш усулларини, хусусан репаратив жараёнларни кучайтирувчи, яллиғланиш компонентини камайтирувчи воситаларни ва ҳ.к. (лазер таъсири ва бошқалар) қўллашни талаб қилади.

Қўйилган вазифалардан бири ишлаб чиқилган моделларнинг аниқланган хавф омилларини бошқариш нуқтаи назаридан потенциал клиник қўлланилишини баҳолашдан иборат бўлди. Шу мақсадда тадқиқотга киритилган беморлар гуруҳида ($n=156$) таклиф этилган моделларнинг потенциал клиник аҳамияти концептуал жиҳатдан асосланди, жумладан бошқариладиган омиллар улуши, уларнинг умумий хавфга қўшадиган ҳиссаси ва ушбу омилларни тузатишнинг асоратлар тузилмасига эҳтимолий таъсири баҳоланди. Шунга мувофиқ, қўлланилган барча хавф омилларини уларнинг бошқарилиш даражасига кўра тақсимлаш мақсадга мувофиқдир:

- беморнинг дастлабки ҳолатини акс эттирувчи статус омиллари - бошқарилмайдиган ёки минимал даражада бошқариладиган омиллар қаторига киритилди;
- шартли равишда бошқариладиган омиллар;
- потенциал бошқариладиган хирургик омиллар.


Статистик таҳлил орқали моделлардан фойдаланилганда асоратлар ривожланиши хавфини эҳтимолий камайитириш кўрсаткичлари аниқланди, улар минимал - 0-10%, ўртача - 10-20% ва юқори потенциал - 20-50% ва ундан юқори даражаларга тақсимланди.

Ўтказилган ҳисоб-китоблар хавф омилларини ҳисобга олиш ва потенциал бошқариладиган клиник жиҳатларга таъсир кўрсатиш маҳаллий асоратлари мавжуд беморлар умумий сонини 61 тадан 34 та ҳолатгача (39,1% дан 21,8% гача; $\chi^2=13,11$; $df=1$; $p=0,0003$) камайитириш имконини бериши мумкинлигини тахмин қилишга имкон берди (1-расм).



1-расм. Турли предиктор омилларга таъсир кўрсатилганда прогностик моделнинг ҳисобланган потенциал самарадорлиги

Умуман олганда, предиктор таъсирини потенциал камайтириш имконияти омилни мутлақ бартараф этишни эмас, балки қўлланилаётган тактика оптималлаштирилган тақдирда у юзага келтирадиган хавф даражасини тахминий камайтиришни англатади. Ҳисоблаш моделлаштириши бошқариладиган хавф омилларини мақсадли тузатиш орқали ичак стомасининг маҳаллий асоратлари ривожланиш частотасини сезиларли даражада камайтириш мумкинлигини кўрсатди (2-расм).





2-расм. Ривожланиш хавф омиллари тузатилганда асоратлар ривожланиш частотасининг ҳисобланган камайиши

Шундай қилиб, прогностик моделлардан фойдаланиш нафақат юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни аниқлаш, балки биринчи навбатда бошқариладиган хирургик ва реабилитацион омилларни тузатишга қаратилган профилактик таъсирнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини ҳам беради.

ХУЛОСА

1. Ичак стомаси шакллантирилгандан кейинги яқин операциядан кейинги даврда маҳаллий асоратлар беморларнинг 39,1% ида ривожланган бўлиб, бунда уларнинг тузилмасида айнан стомал ва парастомал асоратлар 7,1% ни, перистомал кўринишлар - 24,4% ни, қўшма шакллар эса - 7,7% ни ташкил этди, бу эрта асоратларнинг яққол патогенетик гетерогенлигини кўрсатади ҳамда хавф омилларини верификация қилиш ва уларнинг умумий таъсирини клиник жиҳатдан мослаштирилган асоратланган кечишнинг прогностик моделини тузишда баҳолаш учун тизимли таҳлилни қўллаш зарурлигини объектив асослайди.

2. Яқин операциядан кейинги даврда айнан стомал асоратларнинг ривожланиши (14,7%) асосан ишемик-техник омиллар билан белгиланади, улар орасида стома четларида қон билан таъминланишнинг интраоперацион бузилиши ($OR \approx 34,5$; $p < 0,001$), чиқарилган ичак қисмининг таранглиги ($OR \approx 5,6$; $p < 0,001$), ичак

тутқичи ва ичакнинг яққол шиши ($OR \approx 4,3$; $p < 0,001$), шунингдек йирингли ёки нажасли перитонит ($OR \approx 16,3$; $p < 0,001$) етакчи ўрин тутади, бу эса уларни башорат қилиш ва хирургик тактикани танлашда устувор тарзда ҳисобга олиш зарурлигини асослайди.

3. Перистомал асоратлар теридаги яллиғланиш ва мацератив шикастланишларнинг устунлиги билан намоён бўлди, бунда уларнинг ривожланиши интраоперацион техник омилларга нисбатан кўпроқ операциянинг шошилиш хусусияти, метаболик бузилишлар (гипоальбуминемия, анемия), иммуносупрессия ва тизимли яллиғланиш реакцияси ($p < 0,05$) билан ассоциацияланган бўлиб, бу операциядан кейинги парвариш омилларининг аҳамиятли ҳиссаси билан биргаликда уларнинг 32,1% ҳолатларда (алоҳида - 24,4% ва стомал асоратлар билан қўшма ҳолда - 7,7%) ривожланишига сабаб бўлди.

4. Ишлаб чиқилган ичак стомасининг маҳаллий асоратлари хавфини баҳолаш шкаласи ≥ 9 балл бўлган оптимал чегаравий қийматда (сезувчанлик - 95,1%, спецификлик - 85,3%) асоратланган кечишни юқори аниқлик билан башорат қилишни таъминлайди ҳамда хавфнинг клиник жиҳатдан аҳамиятли стратификациясини шакллантириб, паст хавф гуруҳида асоратлар учраш частотасининг 3,6% дан юқори хавф гуруҳида 100% гача ошишини таъминлайди ($p < 0,001$), бу эса унинг диагностик ишончилиги ва амалий қўлланилишини тасдиқлайди.

5. Стомал асоратлар хавфини баҳолашнинг ихтисослаштирилган шкаласини ишлаб чиқиш ≥ 7 балл критик чегарасини аниқлаш имконини берди, бунда стомал асоратлар учраш частотаси 0-3 баллдаги 1,2% га нисбатан 52,8% гача ошади ($p < 0,001$), шунингдек ишемик-техник омилларнинг, жумладан стома четларида қон билан таъминланишнинг интраоперацион бузилишини юқори хавфнинг мустақил клиник маркери сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини исботлади.

6. Прогностик шкалани қўллашнинг потенциал клиник самарадорлигини моделлаштириш ҳамда мос равишда бошқариладиган омилларни тузатишни реабилитация тадбирларини оптималлаштириш билан биргаликда амалга ошириш ичак стомасининг маҳаллий асоратлари умумий частотасини 39,1% дан 21,8% гача ишончли камайтириш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатди ($p = 0,0003$), бу эса нафақат хавфни стратификация қилиш орқали бошқариш концепциясини, балки хирургик тактикани, шунингдек стомаси мавжуд беморларни операциядан кейин олиб боришни ўз вақтида оптималлаштириш истиқболини ҳам тасдиқлайди.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.06/2025.27.12.Tib.13.01 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ МЕДИЦИНСКОМ
ЦЕНТРЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР

НЕКРАСОВ АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ

РАЗРАБОТКА И КЛИНИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ПРОГНОСТИЧЕСКОЙ
МОДЕЛИ ОЦЕНКИ РИСКА РАЗВИТИЯ ЛОКАЛЬНЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ
КИШЕЧНОЙ СТОМЫ

14.00.27 - Хирургия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ - 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Академии наук Республики Узбекистан за B2026.2.PhD/Tib7027.

Диссертация выполнена в Национальном медицинском центре.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.mtm.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Исокулов Тулкин Уралович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдужаппаров Сулаймон Бахритдинович доктор медицинских наук, профессор Рустамов Абдисамат Эшмуродович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино

Защита состоится «___» _____ 2026 г. в ___ часов на заседании разового Научного Совета DSc.06/2025.27.12.Tib. 13.01 при Национальном медицинском центре по присуждению ученых степеней (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 103. Тел/факс: (+99871) 205-15-14; e-mail: info@mtm.uz, Национальный медицинский центр).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального медицинского центра (зарегистрирована за № 003). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 103. Тел/факс: (+99871) 205-15-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2026 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2026 года).

М.А. Саидов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

У.М. Махмудов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Х. Бабаджанов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современной абдоминальной хирургии операции с выведением кишечной стомы продолжают занимать важную позицию. Это прежде всего «связано с фактором улучшения качества диагностики и увеличения показателя продолжительности жизни за последние десятилетия, что привело к существенному росту числа вмешательств по поводу различной патологии кишечника или других органов брюшной полости с необходимостью временного или постоянного отведения кишечного содержимого»¹. Другой причиной высокой актуальности является то, что создание стомы, даже при условии применения оптимальной хирургической техники, не всегда обеспечивает безопасные исходы и соответственно характеризуется высоким риском развития специфических локальных осложнений. По результатам различных исследований «частота собственно стомальных, пара- или перистомальных осложнений варьирует в широких пределах, распределяясь в среднем от 20% до 70% и более»². При этом только некоторые публикации обращают внимание на то, что осложнения кишечной стомы носят многофакторный характер, выходя далеко за пределы хирургической проблемы. С практической точки зрения «особую актуальность представляет то, что значительная часть осложнений потенциально может быть предупреждена или диагностирована на ранней стадии при наличии своевременной оценки индивидуального риска»³. Эти условия диктуют необходимость систематизации имеющихся сведений о локальных осложнениях кишечной стомы и проведении дальнейших исследований по разработке клинически адаптированной прогностической модели, способной выделять пациентов с высоким риском развития локальных стомальных осложнений.

В современной мировой хирургической практике на сегодняшний день наибольший научный интерес представляют исследования, направленные на систематизацию факторов риска локальных осложнений кишечной стомы и разработку клинически применимых моделей их раннего прогнозирования. Наряду с этим активно изучаются возможности применения прогностических шкал,

¹Mulita F, Lotfollahzadeh S. Intestinal Stoma. 2023 Jun 3. In: StatPearls [Internet]. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2026 Jan-. PMID: 33351447.

²Parini D, Bondurri A, Ferrara F, Rizzo G, Pata F, Veltri M, Forni C, Coccolini F, Biffi WL, Sartelli M, Kluger Y, Ansaloni L, Moore E, Catena F, Danelli P; Multidisciplinary Italian Study group for STomas (MISSTO). Surgical management of ostomy complications: a MISSTO-WSES mapping review. World J Emerg Surg. 2023 Oct 10;18(1):48. doi: 10.1186/s13017-023-00516-5. PMID: 37817218; PMCID: PMC10563348.

³Dellafiore F, Caruso R, Bonavina L, Udugampolage NS, Villa G, Russo S, Vangone I, Baron I, Di Pasquale C, Nania T, Manara DF, Arrigoni C. Risk factors and pooled incidence of intestinal stoma complications: systematic review and Meta-analysis. Curr Med Res Opin. 2022 Jul;38(7):1103-1113. doi: 10.1080/03007995.2022.2081455. Epub 2022 Jun 3. PMID: 35608158.

номограмм, биомаркеров воспалительного ответа и цифровых технологий, включая искусственный интеллект, для ранней стратификации пациентов по риску развития стомальных, парастомальных и перистомальных осложнений, что позволяет перейти от констатации уже сформировавшихся нарушений к их своевременной профилактике и дифференцированному послеоперационному наблюдению.

Современные направления развития отечественной хирургии включают широкий спектр мер, направленных на повышение эффективности и безопасности хирургических вмешательств, в том числе связанных с необходимостью выведения кишечной стомы. В стратегической программе развития «Узбекистан-2030», направленной на обеспечение здоровья населения, предусмотрены задачи по улучшению качества и доступности медицинской помощи⁴, в том числе посредством внедрения инновационных подходов и интегральных прогностических систем верификации риска в хирургии. Реализация данных задач, в том числе, путем разработки и клинической валидации системы прогнозирования риска развития локальных осложнений у пациентов с кишечной стомой на основе комплексного анализа и стратификации предоперационно-клинических и интраоперационных факторов является одним из актуальных направлений абдоминальной хирургии и медицины в целом, ввиду высокой медико-социальной значимости данной патологии.

Настоящее диссертационное исследование направлено на выполнение задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении №ПП-149 от 22 апреля 2025 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров в сфере медицины» и Постановлении №ПП-38 от 22 января 2024 года «О дополнительных мерах по углублению реформ в сфере здравоохранения». Исследование отвечает целям государственной программы по развитию хирургической помощи, содействуя разработке и внедрению клинически обоснованных, сбалансированных и безопасных подходов к лечению кишечной стомы и профилактике его локальных осложнений.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. К ранним локальным

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года № УП-158 «О стратегии «Узбекистан-2030»». Национальная база данных законодательства, 12.09.2023 г.

осложнениям кишечной стомы относят те, которые возникают в течение первых 30 дней после операции. Они существенно ухудшают общие результаты лечения, качество жизни пациентов, а также значительно увеличивают расходы на реабилитацию (Chan MS, 2023⁵). В структуре локальных осложнений кишечной стомы выделяют такие группы как стомальные осложнения, то есть осложнения именно со стороны стомы, парастомальные - когда процесс затрагивает ткани в зоне канала в брюшной стенке, через который выведена стома и перистомальные - осложнения со стороны кожи вокруг стомы (Tsujioka S, 2020⁶; Mostafa A, 2026⁷). Современные литературные данные выделяют несколько групп факторов, которые определяют риск развития стомаассоциированных осложнений. Первая группа - факторы, связанные с соматическим статусом пациента, куда относятся возраст, проблемы с массой тела, наличие сопутствующей патологии, иммуносупрессивные состояния и т.д. (Yuan J, 2024⁸). Эти признаки создают фон, который способствует ухудшению микроциркуляции тканей, репаративных процессов и усиливает риск развития инфекционно- воспалительных проявлений (Dai T, 2024⁹). Вторая группа факторов характеризуется особенностями течения основного заболевания, наличием осложнений, требующих экстренного вмешательства, что нередко вынуждает хирургов принимать решение в неблагоприятных анатомических и воспалительных условиях (Matsunaga T, 2022¹⁰; Thamer BT, 2024¹¹). Существенное влияние имеют и технические аспекты оперативного вмешательства по выведению стомы. Если для плановой хирургии возможно планирование хода операции, то для ургентной хирургии

⁵Chan MS, Moore Z, Patton D, McNamara D, O'Connor T, Avsar P. A systematic review of patient risk factors for complications following stoma formation among adults undergoing colorectal surgery. *Int J Colorectal Dis.* 2023 Sep 25;38(1):238. doi: 10.1007/s00384-023-04523-5. Erratum in: *Int J Colorectal Dis.* 2023 Oct 20;38(1):255. doi: 10.1007/s00384-023-04549-9. PMID: 37747515.

⁶Tsujioka S, Suzuki H, Miura T, Sato Y, Murata H, Endo Y, Hoshi K, Sato Y, Shibata C. Diagnosis, Treatment, and Prevention of Ileostomy Complications: An Updated Review. *Cureus.* 2023 Jan 27;15(1):e34289. doi: 10.7759/cureus.34289. PMID: 36721712; PMCID: PMC9883118.

⁷Mostafa A, Mostafa AM, Anwer S, Abdelazim O, Hussein N. Determinant of quality of life among colorectal cancer patients with a stoma: a single-center cross-sectional study in Egypt. *Clin Transl Oncol.* 2026 Mar 11. doi: 10.1007/s12094-026-04254-3. Epub ahead of print. PMID: 41814098.

⁸Yuan J, Jiang F, Fu X, Hou Y, Hu Y, Yang Q, Liu L, Wang Y, Sheng W, Cao F, He J, Chen G, Peng C, Jiang W. Prospective nutrition-inflammation markers for predicting early stoma-related complications in patients with colorectal cancer undergoing enterostomy. *Front Oncol.* 2024;14:1409503. doi: 10.3389/fonc.2024.1409503.

⁹Dai T, Bao M, Zhang M, Wang Z, Tang J, Liu Z. A risk prediction model based on machine learning algorithm for parastomal hernia after permanent colostomy. *BMC Med Inform Decis Mak.* 2024;24:224. doi: 10.1186/s12911-024-02627-8.

¹⁰Matsunaga T, Miyake T, Ueki T, Kojima M, Yamaguchi T, Kaida S, Takebayashi K, Maehira H, Otake R, Mori H, Nitta N, Muramoto K, Nagai N, Iida H, Tani M. [Short- and Long-Term Effects of Palliative Stoma Creation on Quality of Life]. *Gan To Kagaku Ryoho.* 2022 Dec;49(13):1396-1398. Japanese. PMID: 36733080.

¹¹Thamer BT, Aldarsouni F, AlRabah R, Aloraini H, Altawil E, Alfraidy D, Alshammari S, Alhassan N, Alkhayal K. Early postoperative complications of elective versus emergency stoma creation: a tertiary academic center experience. *Wound Manag Prev.* 2024 Sep;70(3). doi: 10.25270/wmp.23102. PMID: 39361347.

влияние таких параметров как наличие перитонита, выраженного отека брыжейки кишечника, сложности с оптимальной мобилизацией петли кишки для стомирования и других предикторных факторов, значительно меняют условия формирования стомы и соответственно потенциальный риск развития локальных осложнений (Wang H, 2023¹²; López-Callejón VA, 2025¹³). В то же время имеющиеся сведения о факторах риска остаются разрозненными, так как одни авторы делают акцент на соматическом статусе пациента, другие на технических деталях формирования стомы, а третьи на биомаркерах воспаления, качестве ухода или использовании современных цифровых технологий.

